

## МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Рустамов А. Қ

*Гулистон шаҳар 13-умумтаълим мактаби  
иқтисодий билим асослари фани катта ўқитувчиси.*

Ўзбекистон Республикаси 2017-2021-йилларда ривожлантиришнинг 5 устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2022-2026-йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” дастурларида инновацион иқтисодий шакллантириш асосий мақсадлардан бири бўлиб қабул қилинди. Бунинг сабаби ресурсларнинг чекланганлиги, аҳоли сонининг ортиб бораётганлиги ва нисбий равишда уларнинг эҳтиёжлари юксалаётганлиги билан тавсифланади.

Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит яратилиб сармоядорларнинг ҳуқуқлари қонуний мустақамланди ва давлатнинг кафолат даражаси ошди. Ундан ташқари қўшимча имтиёзлар ишбилармон доиралар учун рағбат омили бўла бошлади.

Ушбу мақоламизда давлат миллий иқтисодий ривожлантиришнинг бошланғич бўғини бўлган таълим тизимини кластерлаш ва унинг истиқболларини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қиламиз. Зеро таълим тизими ҳолатини ва даражасини ривожлантириш миллий хавфсизлигимиз ва илмий техник қуролланишимиз учун ҳам биринчи даражали ҳисобланади. Давлатни ижтимоий иқтисодий ривожланишида таълимнинг ўрни ва миллий таълим тизимини ривожлантиришда таълим таркибининг сифатли ўзгаришлари билан бирга таълим тизимини ҳудудий бошқариш ва иқтисодий аспектиларини ўрганиш ва ривожлантиришга эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада вазифаларни ечишнинг самарали ёндашуви тизимли ҳарактерга эга бўлиб ҳар хил ҳудудий таълим муассасалари ва ижтимоий институтларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳисобланади.

Ҳозирги Ўзбекистон шароитида кластер сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Таълим соҳасидаги замонавий кластер тизими педагогик таълим муассасалари йиғиндиси ҳисобланади. Таълим соҳасидаги кластер тизими ҳудудий тармоқларнинг ижтимоий-иқтисодий натижасига ҳизмат қилади ва ҳудудлар кесимида бўлажак кадрларни етказиб беришга қаратилади. Ҳозирги таълим муассасалари асосан университетларни, ўрта махсус ва умумтаълим муассасаларни, институтларни, савдо ҳамда стандарт агентликларни, ўқув марказларни ўз ичига олади. Лекин улар тайёрлаб бераётган кадрлар асосан давлат муассасаларига жойлашаётганлиги муҳимдир. Бу борада таълим кластери ўзаро ҳар хил даражадаги турли ҳил таълим муассасалари ўртасида аниқ мақсадларга асосланган ҳамкорлик муносабатларни бирлаштириши керак. Ҳар бир ҳудудий таълим муассасаларини бирлаштиришда

уларнинг ҳудудий яқинлиги, самарали ҳамкорлиги, ўзларининг бор ресурс ва имкониятлардан фойдаланишда ҳамкорлик принципига асосланган бўлиши керак.

Олий, ўрта махсус, умумий таълим тармоқларини кластерлашда қуйидаги принципларга эътибор берилди.

– очқлик принципи – яъни таълим муассасалари ўзларининг ривожланиш йўлларининг ўзлари танлаши

–мослашувчанлик принципи – ҳудудий таълим муассасаларининг ижтимоий муҳит билан алоқадорликка мослашувчанлиги.

–тизимлилик принципи яъни – таълим муассасаси ўзининг муассаса ичидаги ва ташқарисидаги шахсий таълимий траекториясига эга бўлиши .

–мавжудлик принципи яъни – таълим олувчилар ва уларнинг ота–оналари таълим муассасасининг келажакдаги тараққиётини сезиши, ҳис қилиши ва кўришига йўл очилиши .

–маданий мувофиқлик принципи яъни – ўзининг жойлашган ҳудудига оид маданий маърифий муҳитни максимал даражада билиши ва мослашиши.

–ҳамкорлик принципи яъни – ўқувчилар мавжуд шароитларда ўзларини ривожлантириши ҳамда билим, малака, кўникмаларни амалиётда қўллашда диалогик алоқалар ўрнатиши.

Ҳудудий таълим кластери ҳудудий таълимни ривожлантиришнинг инновацион маркази бўлиб ўзининг таркибига кирувчи ҳар бир таълим муассасаси самарали фаолиятини таъминлаши керак. Таркибда мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим ва лицейлар ҳамда олий таълим. Ҳозирги кунда асосий эътибор умумий ўрта таълимга қаратилган бўлиб педагог бола психологиясида асосий фигура ҳисобланади. У психолог, ўқитувчи, устоз, мураббий, тарбиячи ҳисобланади. Америкалик иқтисодчи М.Портер кластернинг шакилланиш механизми ўзаро рақобатбардошлиликнинг ўсишига олиб келувчи ҳамкор соҳаларнинг жамланиши деб тушунча берган. Бу ҳамкорлик давлат иқтисодиётидаги кластернинг ролини аниқлаб беради. Давлатнинг ҳар бир ҳудуди инновацион иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш учун кадрлар тайёрлаш муаммосини ўзлари ҳал қилиши керак. Бунинг натижаси билан биргаликда ўқувчилар касбий маҳоратларини ривожлантириши қуйидаги йўналишларда бўлиши керак.

1.Ўрта мактабда тўғри йўналтирилган мустаҳкам базага эга бўлган билим, малака, кўникма ҳосил қилиб касбий йўналиш олиш ва қадам босиш.

2. Касбий маҳорат олди жараёнларида янги техника ва технология ютуқларини ўзлаштириш ва амалиётда қўллаш.

3. Бандлик марказлари билан ҳамкорликда юқори синф ўқувчиларини ёзги меҳнатга жойлашишларини ташкил этиш.

4. Ўқувчиларни ишлаб чиқаришнинг таълим тарбиявий жараёнларига жалб қилиш.

Ўзбекистон иқтисодиёти инновацион ривожланиш тизимининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳудудий бўладиган таълим кластерларининг кетма-кетликни таклиф этувчи жиҳатлари мақсадга мувофиқдир. Таълим муассасаларининг ҳудудий муассасалар ва иқтисодий ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви бир қанча авфзалликларни юзага келтиради. Масалан технологиялардан фойдаланишнинг соддалашуви, ҳамкорликдаги илмий тадқиқот ишларининг ташкил этилиши, билим малака ва асосий илмий фондлардан биргаликда фойдаланиши, фаолиятнинг турли шаклларида таваккалчиликнинг тақсимланиши ҳамда энг асосийси кластер иштирокчилари ўртасида алоқаларни шаклланиши муҳим ўрин тутди. Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики таълим кластерини шакллантириш учун аввало кластер ташаббусларини амалга ошириш, ҳудуднинг тузилмавий таркиби, ҳудуддаги муҳит ва услубий фундаментал асослар яратилиши керак. Таълим кластерлари самарадорлигининг асосий шarti илмий ва таълимий марказларнинг, муассасаларнинг интеграциялашуви ҳисобланади. Республикада амалга оширилаётган кластер лойиҳаларининг ташкилий тузилмаларини шакллантиришда ушбу жиҳатларга етарлича эътибор қаратилмаган. Яъни кластер лойиҳалари ўзлари учун кадрлар тайёрлови, уларнинг илмий инновацион ишланмаларини амалга оширувчи тузилмалар фаолияти мавжуд имкониятлар доирасида кам эканлигидир. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки таълим кластери қуйидаги авфзалликларни ўз ичига олади.

1. Педагог ҳодимларни касбий имкониятларини кенгайтириш.
2. Қўшимча ресурс сифатида мақсад вазифаларга етишда ижтимоий ҳамкорлардан фойдаланиш имконияти (ёш кадрларни танлаш).
3. Кластер иштирокчилари ўртасида бўладиган тезкор семинар, конференция, ишчи гуруҳлар ташкиллаштиришда тармоқли алоқадорлик.
4. Ҳамкорликдаги ресурслардан моддий техник база кабилардан самарали фойдаланиш.
5. Ўқувчиларни ўзлари танлайдиган ҳудудий касбларга меъёрий – ҳуқуқий йўналтириш.
6. Касбий йўналишдаги танловда илмий услубий базани ривожлантириб педагогик психологик ёрдам бериш.
7. Таълим сифатини ошириш ҳамда бирламчи педагогик кадрлар даражасини кўтариш.

Юқоридаги масалалар ҳудудий ҳокимликлар уларнинг тасарруфидаги бўлинмаларнинг шу масала юзасидан иш олиб бориши натижасида ижобий ечим топади. Шу ижтимоий ҳудудий шароитда педагогик таълим тизимидаги янги меҳанизм таълим кластери иш беради. Чунки бу меҳанизм ўзаро назорат, рақобат ва манфаатларнинг қондирилиши ҳамда таъминланиши асосида қурилади.